

3/2024,
may-
iyun
(№ 00071)



РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИШГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

Каримов Жавлон Қўзиевич

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети Амалий математика
кафедраси доценти, PhD*

E-mail: jkarimov1976@gmail.com

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss3/i15

Аннотация

Мақолада ҳудудларда Олий таълим тизимининг камбағалликни қисқартишга таъсирини баҳолаш бўйича кўплаб усуллари ўрганилиб, ижтимоий ривожланиши, мавжуд номутаносибликлар, турли даражадаги иерархиядаги бошқарув қарорларини шакллантириш ва қабул қилишнинг самарасиз тизими асосида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш нотекислигини баҳолаш ҳамда прогнозлашнинг концептуал механизми ва унинг ишлаш босқичлари баён этилган.

Калит сўзлар: камбағаллик, олий таълим, математик моделлаштириш, қамров даражаси, стратегия, инсон капитали, тенгсизлик.

ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ ЦИФРОВИЗАЦИИ НА СОКРАЩЕНИЕ БЕДНОСТИ ПОСРЕДСТВОМ РАЗВИТИЯ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

Каримов Жавлон Кузиевич

*Доцент кафедры Прикладной математики Ташкентского государственного
экономического университета, PhD*

Аннотация

в статье рассматриваются многие методы оценки влияния системы высшего образования на снижение бедности в регионах, а также описываются концептуальный механизм общественного развития, существующие диспропорции, оценка и прогнозирование неравномерности социально-экономического развития регионов на основе неэффективной системы формирования и принятия управленческих решений на разных уровнях иерархии и этапах ее функционирования.

Ключевые слова: бедность, высшее образование, математическое моделирование, уровень охвата, стратегия, человеческий капитал, неравенство.

EVALUATING THE IMPACT OF DIGITALIZATION ON POVERTY REDUCTION THROUGH HIGHER EDUCATION DEVELOPMENT

Karimov Javlon Kozievich

Associate Professor, Department of Applied Mathematics, Tashkent State University of Economics,

PhD

Abstract

The article examines many methods of assessing the impact of the higher education system on reducing poverty in the regions, and describes the conceptual mechanism of social development, existing imbalances, the assessment and forecasting of the unevenness of the socio-economic development of the regions based on the inefficient system of formation and adoption of management decisions at different levels of the hierarchy, and the stages of its operation. done

Key words: poverty, higher education, mathematical modeling, coverage level, strategy, human capital, inequality.

Кириш

Жаҳонда асосий таълим камбағалликни камайтириш учун жуда зарур деб ҳисобланиб, ўрта ва олий таълим узоқ муддатли ўсиш суръатлари ҳамда даромад даражасини оширишда муҳимроқ эканлиги асосланган. “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2015-2030 йилларга мўлжалланган Барқарор ривожланиш бўйича стратегиясида сифатли таълим олиш имкониятини асосий устувор йўналиш сифатида белгилаган”. Мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларни жадал ривожлантириш олий таълим қамровини яна кенгайтириш асосида камбағалликни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳонда олий таълим қамровини камбағалликни қисқартиришда аҳамияти, камбағалликни қисқартириш бўйича муваффақиятли стратегия ишлаб чиқиш, олий таълим муассасаси рақобатбардошлигини ошириш ҳамда ҳалқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада олий таълим муассасалари томонидан жамиятга етук мутахассисларни етказиб бериш билан бирга қўшимча даромад топиш имкониятлари яратиш ҳамда тайёрланаётган мутахассисларнинг мустақил қарор қабул қилиш ва фаолият олиб бориш кўникмаларини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда олий таълим қамровини кенгайтириш, олий маълумотли етук кадрлар билан таъминлаш орқали жамиятда камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини оширишнинг янгича йўллари аниқлашга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорда[1] белгиланган ижтимоий ҳимоя тизимининг инклюзивлигини ошириш, камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг даромадини ошириш ва турмуш шароитини яхшилаш, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳамда аҳоли эҳтиёжманд қатламнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш имкониятларини кенгайтириш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бевосита камбағалликни қисқартиришга қаратилган вазифаларни белгиланганлиги мазкур тадқиқотнинг долзарб масалага қаратилганлигидан далолат беради.

Олий таълим иқтисодийнинг ўсиши, гуллаб-яшнаши ва мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланиш, уни кенгайтиришда муҳим роль ўйнайди. Тадқиқотлардан шуни таъкидлаш лозимки, икки сабабга кўра таълим ривожланиш стратегиясида марказий роль ўйнайди: биринчидан, таълимнинг миқдори ва сифати кўпгина муассасаларнинг ишчи кучи, бошқаруви ва иш шароитларига катта таъсир қилади. Шундай қилиб, таълим инсон капиталига инвестиция муҳитини

ривожлантиришнинг асосий омили эканлигини инкор этмайди. Иккинчидан, иқтисодиётнинг барча тармоқлари макроиқтисодий ўсишдан наф кўришини таъминлаш учун олий таълимда ўқувчилар сонини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва истиқболларини баҳолаш масалалари кўплаб хорижлик олимлар томонидан ўрганилган. Хусусан: хорижий олимлардан R.Adams[2], M. Ravallion, S.Chen[3], Lin[4] H.Bhanumurthy[5], Arndt James, Arndt Simler[6], N.Birdsall, J.L.Londono[7], S.Arjun[8], G.S.Fields[9]лар ушбу соҳада илмий изланишлар олиб боришган.

МДХ давлатлари мутахассис олимларидан N.V.Kovalenko[10], O.B.Гаращук, B.И.Куценко[11], И.Ансофф[12], А.Л.Гапоненко[13], Г.А. Парсаданов [14], Ю.В.Яковца[15], В.Н.Лексин, А.Н.Швецов [16] ва бошқалар назарий тадқиқот олиб борганлар.

Ўзбек иқтисодчи олимларидан O.Х.Махмудов[17], К.П.Узаков[18], Х.Х.Абдураманов[19], Т.М.Ахмедов, Р.Р.Хасанов, Г.А.Алимова[20]лар Ўзбекистон Республикаси ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, тараққиёти оилаларда камбағалликни қисқартириш ҳамда бандлигини ошириш масалалари бўйича тадқиқот олиб борганлар.

Ўзбекистонда аҳоли сонининг юқори суръатлар билан ўсиши туфайли демографик сиёсат оилани режалаштириш ва ўлим даражасини камайтиришга қаратилган бўлиши керак. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, давлатнинг демографик сиёсати – турмуш даражасини ошириш ва камбағалликни камайтириш воситаларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати эндиликда оилани режалаштириш сиёсатига мамлакатда камбағаллик даражасини камайтириш, аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида қараши мақсадга мувофиқлигини таъкидлаган [20].

Иқтисодчи олим Р.Хасанов қуйидагича хулосалар берган: Ўзбекистонда камбағалликка қарши кураш ҳақида гапирганда, турли минтақаларда, шаҳар ёки қишлоқларда яшайдиган турли ёшдаги одамлар, эркаклар ва аёллар учун камбағалликнинг сабаблари жуда фарқ қилишини ҳисобга олишимиз керак. Шу нуқтаи назардан, қашшоқликка қарши кураш жуда мураккаб ва кўп қиррали вазифадир. Шу муносабат билан, муҳтож одамларга тўғридан-тўғри молиявий ёки табиий ёрдам кўрсатиш орқали қашшоқлик муаммосини ҳал қилишда жиддий ижобий натижага эришиш мумкин эмаслиги аён бўлади. Албатта, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш зарур, аммо камбағалликнинг турли хил сабабларини ҳисобга олган ҳолда, унга қарши курашда ҳар қандай муҳим ютуқларга одамлар ўзларининг моддий муаммоларини мустақил ҳал эта оладиган ва ўзларини зарур даромадлари билан таъминлайдиган шароитлар яратилгандагина эришиш мумкин [20].

Аммо ушбу тадқиқотларда айнан олий таълим қамровининг камбағалликни қисқартиришга таъсирини, уларининг ривожланишини мувозанатли кўрсаткичлар тизими ҳамда ҳудудлар салоҳиятини эконометрик баҳолаш ишлари тадқиқ этилмаганлиги мазкур диссертация иши мавзусини танлаш, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот методологияси

Ҳозирги вақтда бутун дунёда бўлгани каби, Ўзбекистон Республикаси ва унинг ҳудудларида ҳам иқтисодий ислохотлар самарадорлигининг пастлиги камбағалликнинг тарқалишига, бандлик инқирозининг чуқурлашишига, инсон салоҳиятини такрор ишлаб чиқаришнинг торайишига, аҳоли саломатлиги ва ҳаёт сифатининг ёмонлашишига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида фуқароларининг инсоний, меҳнат ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга таҳдид солади. Жамиятнинг асосан бир хилдаги таркибига эга бўлган мамлакатимизда фуқароларнинг чуқур қашшоқлиги билан параллел равишда қисқа вақт ичида тор доирадаги бадавлат ва ўта бадавлат кишилар пайдо бўлди.

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими, яъни ижтимоий ёрдам ва ижтимоий компенсациялар аҳолининг кам таъминланган қатламларини камбағалликдан қутқариб қолмайди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари даромадларини механик тартибга солиш орқали камбағалликни бартараф этиш бўйича давлат сиёсати тизимли ёндашувга эга эмас ва фақат қисқа муддатли самара беради, бу эса давлат бюджетидан катта ижтимоий харажатларни келтириб чиқаради, лекин камбағаллик миқёси ва унинг муаммоларини камайтирмайди.

Айнан шунинг учун жамиятни ижтимоий ҳимоя қилишда олий таълим қаровини кенгайтириш тизимини жорий этиш бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида зарур, у ижтимоий-иқтисодий хавф-хатарларга жавоб беришга қодир ва жамиятнинг барча гуруҳларида камбағал аҳолини камайтиришга ёрдам беради. Кейинги босқичларни аниқлаш учун давлат сиёсатини такомиллаштириш мақсадида математик моделлаштириш ва прогнозлаш усулидан фойдаланиш зарур.

Камбағалликка таъсир қилувчи асосий кўрсаткичлардан бири бу аҳолининг даромадлари бўлиб, шунинг учун уларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни, шунингдек, даромадларнинг кўпайиши ёки камайиши тенденциясини ўрганиш керак. Ушбу муаммони ўрганиш учун Ўзбекистон Республикасининг кам таъминланган (камбағаллик) даражасини – Y_r , ўзгаришига таъсир этувчи, аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестиция – X_1 , республикадаги ишсизлик даражаси – X_2 , республика аҳолисининг яшаш минимуми – X_3 , аҳоли жон бошига умумий реал даромад – X_4 ва олий таълимга қамров даражаси – X_5 кўрсаткичларини танланди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг кам таъминланган (камбағаллик) даражасини ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг корреляция коэффициенти


	Y_r	X_1	X_2	X_3	X_4	X_5
Y_r	1					
X_1	-0,62744	1				
X_2	0,775718	0,051977	1			
X_3	-0,70066	0,656316	-0,12637	1		
X_4	-0,77181	0,759083	-0,04257	0,789071	1	
X_5	-0,63771	0,748408	0,136139	0,666613	0,661697	1

Жадвал қийматларига эътибор қаратадиган бўлсак, натижавий Y_r -омилга нисбатан республикадаги ишсизлик даражаси ($r_{Y_r, X_2}=0,775718$) кучли зичликда тўғри

боғланган, аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестиция ($r_{Yr,X1}=-0,62744$), республика аҳолисининг яшаш минимуми ($r_{Yr,X3}=-0,70066$), аҳоли жон бошига умумий реал даромад ($r_{Yr,X4}=-0,77181$) олий таълимга қамров даражаси ($r_{Yr,X5}=-0,63771$) ўртачадан кучли зичликда тескари боғланган бўлиб, ушбу омилларни ошириш ҳисобидан Ўзбекистон Республикасининг кам таъминланган (камбағаллик) даражасини камайтириш мумкинлиги аниқланди. Нативавий омилга таъсир этувчи сифатида танланган омиллар ўртасида $r_{x1,x2}<0,8$ шартга кўра мультиколениарлик мавжуд эмаслигидан кузатилаётган боғлиқлик ўртасида регрессия тенгламасини аниқлашни *EViews* дастури орқали давом эттириш мумкин. Танлаб олинган омилларнинг ўлчов бирликлари турлича бўлганлиги боис, дастлаб омил кўрсаткичларини логорифмлаб чиқиқсиз тенгламани ҳосил қилиш билан бирга уни сифат мезонлари асосида текширилади. Ҳисоб-китоб натижаларида келтирилган коэффицентлар қийматларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тенгламани ҳосил қилинади:

$$\ln Y_r = 0.04 \ln X_2 + 0.77 \ln X_3 - 0.284 \ln X_1 - 0.21 \ln X_4 - 0.03 \ln X_5 + 2.14 \quad (1)$$

Аниқланган 1-регрессия тенгламаси параметрларини t-Statistic мезонлари бўйича аҳамиятлилигига эътибор қаратадиган бўлсак, $\alpha=0,05$ ва $df=16$ бўлган ҳолда $t_{жад}=2,1199053$ га тенглигидан аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестиция ($t_{x1}=3,308248 > t_{жад}=2,1199053$) ҳамда республикадаги ишсизлик даражаси ($t_{x2}=2,170937 > t_{жад}=2,1199053$) республика аҳолисининг яшаш минимуми ($t_{x3}=3,632743 > t_{жад}=2,1199053$) аҳамиятли бўлиб, қолган параметрларнинг аҳамиятлилигини ретроспектив сифат мезонлари MAPE (Mean Absolute Percentage Error – ўртача мутлоқ фоиз хатоси) ва TIC (Tayl inequality coefficient – Тейл прогноз аниқлигининг муқобил ўлчови) билан текшириш талаб этилади (1-расм).



1-расм. (1)-регрессия тенгламасининг ретроспектив сифат натижалари

1-расмда келтирилган маълумотларга асосан таъкидлаш мумкинки, MAPE=2,09 бўлиб, бу ўз навбатида MAPE=2,09<10% прогноз аниқлиги юқори ва TIC=0,013<1 шартнинг бажарилишидан аниқланган 1-регрессия тенгламаси параметрларининг барчасини аҳамиятлилиги келиб чиқади. Математика қоидаларига ва ҳисоб-китоб жараёнларини осонлаштириш ҳамда натижалар аниқлигига эришиш учун юқорида

ҳосил қилинган 1-регрессия тенгламасини потенцирлаб олинади ва унга кўра қуйидаги тенглама ҳосил қилинади:

$$Y_r = \frac{X_2^{0.04} * X_3^{0.77} * e^{2.14}}{X_1^{0.284} * X_4^{0.21} * X_5^{0.03}} \quad (1^*)$$

Ҳосил қилинган 1*-регрессия тенгламасини ҳақиқатдан аҳамиятлилигини $\alpha=0,05$ ва $k_1=16$; $k_2=4$ бўлганда $F_{жад}=3,007$ га тенглигини эътиборга олган ҳолда ҳисобланган Фишер қиймати $F_{ҳис}=60.78$ тенглигидан $F_{жад} < F_{ҳис}$ шартга биноан 1*-регрессия тенгламасининг аҳамиятлилиги ҳамда $DW=1,885$ тенг бўлганлиги боис, автокорреляция мавжуд эмаслигидан тенгламанинг ишончли ва адекватлиги келиб чиқади. Тадқиқот ишида ушбу аниқланган модел ёрдамида эконометрик таҳлиллар олиб борилади.

Tahlil va natijalar muhokamasi

Таҳлил натижаларига асосан, Олий таълимнинг роли камбағалликни бартараф этишнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади ва айниқса республикамизда бундай имкониятларни кенгайтириш учун кўплаб саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Олий таълимнинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га қўшган ҳақиқий ҳиссасини миқдорий баҳолашда мавжуд қийинчиликларга қарамай, у ҳар доим маҳсулдорликни ошириш орқали камбағаллик ва тенгсизликни камайтиришнинг таъсирчан воситаси бўлиб келган.

Албатта, иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий таркибий қисми сифатида таълим ва камбағаллик ўртасидаги боғлиқлик мавжудлигини биламиз. Чунки, ўқимишли одамлар юқори даромад олиш потенциалига эга ва ўз ҳаёт сифатини яхшилашга қодир, яъни уларнинг умуман жамиятда маргинал бўлиш эҳтимоли камроқ. Бу борада UNESCO да берилган фикрга кўра, «Таълим инсонга куч беради ва унга фаолроқ бўлишга, ўз ҳаётини қатъий назорат қилишга ёрдам беради ва мавжуд имкониятлар доирасини кенгайтиради». Таълим инсоннинг асосий ҳуқуқи ҳисобланади ва у ривожланишнинг барча сегментлари, жумладан, иқтисодий, ижтимоий ва инсоний ривожланиш билан чамбарчас боғлиқдир. Бу миллий даромадга сезиларли таъсир кўрсатадиган бошқарув сифатини оширишнинг асосий омили ҳамдир.

Ҳозирги кунга қадар анъанавий ёндашув ривожланган мамлакатларда олий таълимнинг иқтисодий ўсишнинг драйвери сифатидаги ролини таъкидлаб келган, таълимга оид янги пайдо бўлган нуқтаи назар шундаки, камбағалликни камайтириш учун олий таълим қамровини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, Олий таълим асосан иқтисодиётнинг барча тармоқларини мутахассислар билан таъминлайди ва бу ҳақиқатан ҳам ҳар қандай иқтисодиёт учун камбағалликни камайтириш стратегиясининг талабидир.

Бундан ташқари, олий таълим иқтисодий фаровонликка уч хил тарзда таъсир қилади. Биринчиси, муассасаларнинг талабалар ва уларнинг ходимларига тўғридан-тўғри харажатлари, уларнинг талабалари ва ходимларининг маҳаллий иқтисодиётга таъсирини кўрсатади. Бу харажатлар маҳаллий иқтисод орқали мультипликатор самарадорлик туфайли маҳаллий ҳудуддан ташқаридан пул муомаласи товарлар ва хизматларни сотиб олишга сарфланмагунча кўпаяди. Иккинчидан, олий таълим илғор таълимга интилаётган шахсга ва жамиятга молиявий ва номолиявий имтиёзлар

беради. Учинчидан, олий таълим муассасалари асосан билим яратишга қаратилган бўлсада, келгусида жамият учун катта фойда келтирадиган қолаверса, ўзи учун юқори даромад эгаси бўлиши учун имконият беради. Бу эса ўз навбатида мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Шу маънода тадқиқот ишида юқорида аниқланган (1*)-регрессия тенгламаси бўйича иш олиб боришни мақсад қилиб олинган.

$$Y_r = \frac{X_2^{0.04} * X_3^{0.77} * e^{2.14}}{X_1^{0.284} * X_4^{0.21} * X_5^{0.03}} \quad (1^*)$$

Агар аниқланган регрессия тенгламасини иқтисодий жиҳатдан изоҳлайдиган бўлсак, у ҳолда республикада аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестиция ҳажмини, аҳоли жон бошига умумий реал даромадни ва олий ўқув юртига қамров даражасини 1,0 %га оширадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида кам таъминланганлик (камбағаллик) даражаси мос равишда 0,03 %; 0,04 %га ва 0,004 %га қисқариши аниқланди.

Шунга қарамай, тенгламадаги ишсизлик даражасини 1,0 га ошиши камбағалликни камайтиришга ҳеч қандай сезиларли даражада таъсир кўрсатмайди шунинг учун агар уни 5,0 %га камайтирадиган бўлсак, республикада камбағаллик даражасини қўшимча 0,02 %га камайтиришга эришилади. Агар ва яшаш минимумини 1,0 %га камайтирилса, камбағаллик даражаси 0,1 %га камайтириш имконияти мавжудлиги аниқланди.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда тадқиқот учун танлаб олинган Ўзбекистон Республикасида кам таъминланганлик (камбағаллик) даражаси ўзгаришини кўп омилли регрессия тенгламасидан фойдаланган ҳолда унинг келгуси истиқболдаги кўп омилли прогнозини амалга оширамиз. Бунинг учун аниқланган қуйидаги формуладан:

$$Y_r = \frac{X_2^{0.04} * X_3^{0.77} * e^{2.14}}{X_1^{0.284} * X_4^{0.21} * X_5^{0.03}} \quad (1^*)$$

ҳамда ушбу тенгламада иштирок этган омилларнинг $t=25$ бўлганда вақтга боғлиқ тренд тенгламалар тизимидан: аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестиция: $X_1 = -842,4 + 349,3 * t$;

- ишсизлик даражаси: $X_2 = -0,4 + 0,3 * t$;

- яшаш минимуми: $X_3 = -22,4 + 24,6 * t$;

- аҳоли жон бошига умумий реал даромад: $X_4 = -955,6 + 798,2 * t$;

- олий таълимга қамров: $X_5 = 10,3 + 0,9 * t$.

Келтирилган формулалар тизими ва умумий (1)-тенгламадан фойдаланиб Ўзбекистон Республикасида кам таъминланганлик (камбағаллик) даражаси ўзгаришини кўп омилли прогнози аниқланади (1-жадвал).

1-сценарий бўйича Ўзбекистон Республикасининг кам таъминланганлик (камбағаллик) даражаси ўзгаришини кўп омилли прогноз натижалари

Йил	Кам таъминланганлик даражаси, %	Аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инв., минг сўм	Ишсизлик даражаси, %	Яшаш минимуми минг сўм	Аҳоли жон бошига умумий реал даромад, минг сўм	Олий таълим битирувчилари сони, минг киши
2023	11	7540,8	6,8	568	18201,2	31,9
2024	11,1	7890,1	7,1	592,6	18999,4	32,8
2025	11,3	8239,4	7,4	617,2	19797,6	33,7
2026	11,4	8588,7	7,7	641,8	20595,8	34,6
2027	11,5	8938	8,0	666,4	21394	35,5
2028	11,6	9287,3	8,3	691	22192,2	36,4
2029	11,8	9636,6	8,6	715,6	22990,4	37,3
2030	11,9	9985,9	8,9	740,2	23788,6	38,2

Манба: муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган ва тузилган

Жадвал маълумотларидан кўринадикки 2030 йилга бориб Ўзбекистон республикасида кам таъминланганлик (камбағаллик) даражаси 2023 йилга нисбатан 0,9 фоизга ошиб 11,9 % га етиши ишсизлик даражаси 2,1 % га ошиб 8,9 % га етиши, яшаш минимуми 172 минг сўмга ошиб 740,2 минг сўмга етиши аҳоли жон бошига умумий реал даромад 5587,4 минг сўмга ошиб 23788,6 минг сўмга етиши энг асосийси эса олий таълимга қамров эса 6,3% га ошиб 38,2% га етиши кутилаётганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса Республиканинг келгуси истиқболи учун мамлакатда аҳоли бандлигини таъминлаш учун янги кичик бизнес субъектларини очишга кўмаклашиш, уларга янада кенгроқ имкониятлар бериш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Таҳлил натижаларидан кўриш мумкинки, асосий эътибор бизнингча, олий таълим қамровини ошириш бўлиб, бунинг натижасида инсон капитали ошади. Инсон капитали ошганда янги иш ўринлари очилади, яъни яшаш тарзи кўтарилиб камбағаллик даражаси камаяди. Оддий қилиб айтганда, таълим даромад билан бевосита боғлиқдир. Таълим даражаси қанчалик юқори бўлса, одамнинг камбағаллик чегарасидан пастга тушиш эҳтимоли шунчалик кам бўлади. Бунинг сабаби шундаки, таълим юқори иш ҳақи билан боғлиқ кўникма ва билимларни беради. Таълим шунингдек, камбағалликнинг бошпана, сув санитария каби бошқа соҳаларида ҳам ижобий таъсир кўрсатади ва соғлиқни сақлаш муассасаларидан яхшироқ фойдаланишга ёрдам беради.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакат олий таълим муассасаларининг аҳамияти фуқароларга таълим бериш ва уларнинг хатти-ҳаракатларига таъсир ўтказиш қобилияти билан белгиланади. Мухими, сиёсий ва иқтисодий институтлар жамиятнинг ўзи танлови билан белгиланади. Улар инклюзив бўлиши ва иқтисодий ривожланишни рағбатлантириши мумкин ёки улар иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилиши мумкин ва институтларнинг сиёсий фаолияти халқларнинг гуллаб-яшнаши ёки таназзулига изоҳ

излашда марказий ўрин тутди. Шу билан бирга, агар сиёсий институтлар барқарорликни, қонун устуворлигини, мулкни ҳимоя қилишни, диктатурадан ҳимоя қилишни, озодликдан маҳрум этишни, ўйин қоидаларини ўзгартиришни таъминласа, иқтисодий институтлар миллатнинг бойлик сари ҳаракатланиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш бўйича 4 йиллик стратегия ишлаб чиқилмоқда “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори лойиҳаси эълон қилинди. <https://yuz.uz/news/ozbekistonda-kambagallikni-qisqartirish-boyicha-4-yillik-strategiya-ishlab-chiqilmoqda>
2. Adams, R (2002) Economic Growth, Inequality and Poverty: Findings from a New Data Set, Policy Research Working Paper 2972.
3. World Bank, February 2002, and Ravallion, M and S Chen (1997) ‘What Can New Survey Data Tell Us about Recent Changes in Distribution and Poverty?’ World Bank Economic Review, 11(2): 357-82
4. Lin (2003), Economic Growth, Income Inequality, and Poverty Reduction in People's Republic of China, Asian Development Review, vol. 20, no. 2, 2003, pp. 105-24.
5. H.Bhanumurthy and H.Mitra (2004), Economic Growth, Poverty, and Inequality in Indian States in the Pre-reform and Reform Periods, Asian Development Review, vol. 21, no. 2, 2004, pp. 79-99.
6. Arndt, James, and Simler (2006), Has Economic Growth in Mozambique Been Pro-Poor?, Food Consumption and Nutrition Division Discussion Paper 202.
7. Birdsall, N. and J.L. Londono (1997), ‘Asset Inequality Matters: An Assessment of the World Bank’s Approach to Poverty Reduction’, American Economic Review, 87(2), AEA Papers and Proceedings: 32-37.
8. Sengupta Arjun, Human Rights to Development, Report of the Independent Expert on the Protection of Human Rights to Development [www.unhcr.ch/Huridocda/Huridoca.nsf/0/78e0cb0e6e6ea624c1256961004f7a98/\\$FILE.pdf](http://www.unhcr.ch/Huridocda/Huridoca.nsf/0/78e0cb0e6e6ea624c1256961004f7a98/$FILE.pdf);
9. Fields, G. S. (1989) “Changes in Poverty and Inequality in the Developing Countries”, mimeographed paper.
10. Kovalenko NV Poverty as a socio-economic category. State building. 2007. № 2. URL: http://nbuv.gov.ua/UJRN/DeBu_2007_2_10.
11. Гаращук О. В., Куценко В. І. Контент фахової освіти: аналіз, оцінка, перспективи. Економічний аналіз: зб. наук. праць. Тернопіль: «Економічна думка». 2016. Том 24. № 1. С. 7–15.
12. И. Ансофф Стратегическое управление. М.: Экономика, 1989, 519 с.;
13. Гапоненко А.Л. Стратегия социально-экономического развития: страна, регион, город. -М.: Изд-во РАГС, 2001.- 224 с.
14. Парсаданов Г.А. Планирование и прогнозирование социально-экономической системы страны (теоретико-методологические аспекты): Учебное пособие для вузов.- М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.- 223 с.

15. Ю.В.Яковца. Теоретические основы и модели долгосрочного макроэкономического прогнозирования /под ред. - М.: МФК, 2004.

16. Лексин В.Н., Швецов А.Н. Государство и регионы. Теория и практика государственного регулирования территориального развития. -М., 2000.

17. О.Х.Махмудов Оилаларда камбағалликни қисқартириш омиллари “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2021 yil. <http://www.iqtisodiyot.tsue.uz/267-276> б.

18. К.П.Узаков Камбағалликни қисқартиришда аҳоли бандлигини таъминлаш Academic Research in Educational Sciences VOLUME 2 | ISSUE 10 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723 Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89 DOI: 10.24412/2181-1385-2021-10-579-594.

19. Абдураманов Х.Х. Демография соҳасида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг стратегик йўналишлари // Молия ва банк иши электрон илмий журнали. V сон. Сентябрь - октябрь, 2020. – 144-153 бетлар. https://journal.bfa.uz/maqola/BFA_maqola_5_son.pdf

20. Т.М.Ахмедов, Р.Р.Хасанов, Г.А.Алимова, Ўзбекистонда камбағалликни аниқлашнинг миллий мезонлари Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти <https://elibrary.ru/>